

## ХАБАРЛАР

# Эрон Ҳоманай билан бир неча кунлик видолашув маросимига тайёрланмоқда

17 дақиқа аввал



Эрон Хоманай учун кенг қамровли дафн маросимларига тайёрланмоқда.

Февраль ойида АҚШ ва Исроил зарбалари оқибатида ҳалок бўлган олий раҳбар Али Хоманай дафн маросими бир неча кун давом этиши айтилган.

Эрон давлат телевидениеси хабар қилишича, 3 июль куни айрим хорижий давлатлар вакиллари маросимда иштирок этиш учун Техронга етиб борган.

Давлат телевидениеси тарқатган кадрларда Хитой, Беларус, Ироқ ва Туркманистон делегацияларининг Техронга боргани намойиш этилди.

Шунингдек, Эрон расмий телевидениеси Ўзбекистон делегацияси - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги делегация Эронга боргани намойиш қилинди.



Расмий ОАВда кўрсатилган кадрларда, Хоманайнинг тобути пойтахтдаги йирик - Буюк Мусалла масжиди марказида қўйилган ҳолда акс эттирилди.

Бундан ташқари, Эрон давлат ОАВ тарқатган тасвирларда, Ислон инқилоби посбонлари корпуси бош қўмондони Аҳмад Ваҳидий, АҚШ ва Исроил ўртасидаги Эронга қарши уруш бошланганидан бери, биринчи марта жамоатчиликка кўриниш берди.

Расмий хабарга кўра, 3 июль куни у Техронда Али Хоманайнинг тобути олдига келиб, марҳумга ҳурмат бажо келтирган.

Қарийб бир ҳафта давом этадиган маросимлар дастлаб Техронда ўтказилади. Кейин тадбирлар Қум шаҳри ва Ироқда давом этиб, 9 июль куни Хоманайнинг туғилган шаҳри Машҳадда жойлашган Имом Ризо мақбарасидаги дафн билан яқунланади.